



**TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

VOLUME 7 / 2024

**LABOR ECONOMICS**

# **MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

ilmiy elektron jurnali

**LABOUR ECONOMICS AND  
HUMAN CAPITAL**

scientific electronic journal

**2024 yil 1-son**

Volume 7, Issue 1, 2024



**МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI  
VA INSON KAPITALI**  
**ISSN: 3030-3117**



**LABORECONOMICS.UZ**

**МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

*№ 1-2024*

**ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ  
КАПИТАЛ**

**LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL**

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.

**Muassis:** “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi,  
49 uy

**Elektron manzil:** [ilmiymaktab@gmail.com](mailto:ilmiymaktab@gmail.com)

**Jurnal web-sayti:** [www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**Bog‘lanish uchun telefonlar:**

+998998818698

**Tahririyat Kengashi raisi:**

(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a'zolari:**

(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.  
Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d., prof.  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof  
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof  
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof  
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.  
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.  
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.  
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.  
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.  
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d., prof.  
Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.  
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)  
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**

(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)  
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)  
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)  
Keynz Miller (AQSh)  
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)  
Masato Xivatari (Yaponiya)  
Gerxard Feldmayer (Germaniya)  
Eko Shri Margianti (Indoneziya)  
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)  
Rohana Ngah (Malayziya)  
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)  
Teguh Dartanto (Indoneziya)  
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)  
Muhammed Xoliq (Pokiston)  
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

**Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief):** G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

**Veb-administrator (Web admin):** Musayev Xurshid Sharifjonovich

**MUNDARIJA (CONTENTS)****MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

<b>G.K.Abduraxmanova</b> <b>S.B.G'oyipnazarov</b> <b>S.P.Qurbonov</b>	<i>Mamlakat aholisini unumli bandlik darajasini oshirish mexanizmini takomillashtirish .....</i>	7-18
<b>B.E.Mamaraximov</b>	<i>Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish yoshlar bandligini ta'minlash omili sifatida .....</i>	19-25
<b>A.A.Yadgarov</b>	<i>Agrar tarmoqni sufgurtalashda mалаkali кадрлар тайёрлаш ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари .....</i>	26-32
<b>S.P.Qurbonov</b>	<i>O'zini o'zi band qilishda zaif bandlikdan unumli bandlik sari transformatsion jarayonlar .....</i>	33-45
<b>N.R.Saidov</b>	<i>Yangi ish o'rinlarini tashkil etishga investisiyalar ta'sirini ekonometrik tahlili .....</i>	46-56
<b>F.O'.Masharipov</b>	<i>Meʼnat bozorida хусусий сектор эҳтиёжи асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш: муаммолар ва ечимлар .....</i>	57-70
<b>S.M.Kurbanbayeva</b>	<i>Квалификационные рамки в современном образовании и рынке труда .....</i>	71-80
<b>I.X.Xuvaydullayeva</b>	<i>Миллий меҳнат бозорида инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни имкониятлари .....</i>	81-90
<b>G.R.Kuziyeva</b>	<i>O'zbekistonda raqamlashtirish va ta'lim orqali mehnat unumdorligini oshirishning miqdoriy tahlili</i>	91-101

**INSON KAPITALI**

<b>A.B.Irmatova</b> <b>A.M.Saidahmadov</b>	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini rivojlantirishda o'qitish tizimi .....</i>	102-117
<b>S.M.Dusanov</b>	<i>Таълим тизимида молиявий ресурслар самарадорлигини оширишнинг ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари .....</i>	118-134
<b>I.I.Ergashev</b>	<i>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услубиёти .....</i>	135-145
<b>Sh.A.Xodjayeva</b>	<i>Основы формирования и функционирования маркетинговой деятельности высших образовательных учреждений .....</i>	146-159

<b>M.R.Babadjanova</b>	<i>Иқтисодий категория сифатида инсон капиталининг моҳияти ва унда таълимни ўрни</i>	160-172
<b>D.B.G'aniyeva</b>	<i>Ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришнинг дастурларининг самарадорлигини баҳолаш муаммолари .....</i>	173-184
<b>INSON TARAQQIYOTI</b>		
<b>D.I.Iskandarova</b>	<i>O'zbekistonda aholi daromadlari va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili .....</i>	185-194
<b>KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH</b>		
<b>M.X.Fayziyeva</b>	<i>Kambag'allikni qisqartirishga raqamli texnologiyalarning ta'siri .....</i>	195-210
<b>INSON RESURSLARINI BOSHQARISH</b>		
<b>M.Sh.Xaydarova</b>	<i>Использование автоматизации и искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами: тренды и ожидания</i>	211-221
<b>M.M.Xolmatov</b>	<i>Inson resurslarini samarali boshqaruvida inson kapitalini rivojlantirish .....</i>	222-232
<b>G.Q.Mo'ydinova</b>	<i>O'zbekistonda to'qimachilik korxonalarining rivojlanish holati va ularda xodimlarni boshqarish tendensiyalari tahlili .....</i>	233-238
<b>O.I.Rasuljonov</b>	<i>KPI – xodimlar faoliyati samaradorligini baholashning zamonaviy tizimi .....</i>	239-246
<b>TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH</b>		
<b>S.U.Ismailova</b> <b>D.U.Adilova</b>	<i>Теоритические основы развития стратегии цифрового маркетинга на рынке сферы услуг и туризма .....</i>	247-254
<b>Z.M.Jabborova</b>	<i>Jizzax viloyatida kichik biznes va tadbirkorlikda mehnat munosabatlarining rivojlanishi holati .....</i>	255-263
<b>S.S.Mamatqulov</b> <b>D.I.Iskandarova</b>	<i>O'zbekistonda tadbirkorlikni innovatsion rivojlantirish asosida aholi farovonligini yuksaltirish yo'llari .....</i>	264-274
<b>M.Sh.To'xtayeva</b>	<i>Platformalarda informatsion xaritalar – aholi tadbirkorlik qobiliyatini rivojlantiruvchi vosita sifatida .....</i>	275-282
<b>T.A.Urkinbayev</b>	<i>Влияние реформ в сфере туризма на рост экономики Узбекистана и развитие предпринимательства .....</i>	283-292

<b>D.A.Vahobov</b>	<i>Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш .....</i>	293-305
<b>Z.Dj.Adilova</b>	<i>Factors and assessment methods in the development of HR branding: foreign experience .....</i>	306-314
<b>GENDER TENGLIK</b>		
<b>O.U.Oxunova</b>	<i>O'zbekiston mehnat bozorida gender tengligi: muammolar va islohotlar .....</i>	315-324



## MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ISSN: 3030-3117

<https://laboreconomics.uz/>



### МИЛЛИЙ МЕХНАТ БОЗОРИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Хувайдуллаева Ирода Хусниддин қизи**

ТДИУ “Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси ассистенти,  
мустақил изланувчи

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2\\_iss1/a61](https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a61)

**Аннотация.** Жаҳон мамлакатларининг инсон капитали ва ундан фойдаланиш даражаси турли халқаро индекслар орқали баҳоланиб келинади. Ушбу индексларда илмий-техника салоҳияти юқори, фан ва илмий тадқиқотларда, инсон капиталига киритилаётган инвестициялар ва харажатлар натижадорлиги кўрсаткичлари юқори бўлган мамлакатлар етакчи мавқега эга. Инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда асосий глобал кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида мавжуд инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш энг долзарб ҳисобланиб, аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Мамлакатда инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг тизимини такомиллаштириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан ҳам белгиланмоқда.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, инсон ресурслари, инсон капитали, , глобаллашув, меҳнат муносабатлари, тўлиқсиз бандлик, бандлик ҳолати, нофаол аҳоли, фаол аҳоли.

### ВОЗМОЖНОСТИ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ РЕСУРСОВ НА НАЦИОНАЛЬНОМ РЫНКЕ ТРУДА

**Хувайдуллаева Ирода Хусниддин қизи**

ТГЭУ, Ассистент кафедр

«Управление человеческими ресурсами»

независимый исследователь

**Аннотация.** Человеческий капитал стран мира и уровень его использования оцениваются с помощью различных международных индексов. В этих индексах лидирующие позиции занимают страны с высоким научно-техническим потенциалом, наукой и научными исследованиями, инвестициями в человеческий капитал и высокими показателями эффективности затрат. Это один из основных глобальных показателей оценки эффективности использования человеческих ресурсов.

В мировой практике эффективное использование имеющихся человеческих ресурсов считается наиболее актуальным и его значение возрастает с каждым днем. Совершенствование системы оценки эффективности использования человеческих ресурсов в стране определяется повышением их конкурентоспособности.

**Ключевые слова:** рынок труда, человеческие ресурсы, человеческий капитал, Россия, глобализация, трудовые отношения, неполная занятость, статус занятости, неактивное население, активное население.



## POSSIBILITIES OF EFFECTIVE USE OF HUMAN RESOURCES IN THE NATIONAL LABOR MARKET

**Khuvaidullaeva Iroda Khusniddin kizi**

TSUE, assistant teacher of  
"Human resource management" department,  
independent researcher

**Abstract.** The human capital of the world's countries and the level of its use are linked using various international indices. In these indices, the leading positions are occupied by countries with high scientific and technical potential, scientific and modern research, investment in capital and stability, efficiency indicators, and cost. This is one of the main indicators for assessing the effectiveness of the use of human resources.

In world practice, the effective use of available human resources is considered the most relevant and its importance is increasing every day. Improving the system for assessing the effectiveness of the use of human resources in the country is determined by increasing their competitiveness.

**Keywords:** labor market, human resources, human capital, Russia, globalization, labor relations, underemployment, employment status, inactive population, active population.

### Кириш

Глобаллашув шароитида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳалари тараққиёти ва натижадорлиги учун муҳим имкониятларни яратмоқда. Бу эса мамлакатда инсон ресурсларини бошқаришдаги усул ва услубларнинг ўзгариши меҳнат фаолиятидаги иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларнинг янада ривожланишига замин яратмоқда.

Таркибий ўзгаришлар, айниқса соҳалардаги рақамлашиш ва технологик ўзгаришлар барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланишни тақозо этаётган бир вақтда, инсон ресурслари ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, пировардида мамлакат фуқаролари фаровонлиги ва иқтисодий барқарорликка эришиш жаҳон мамлакатлари олдида муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ундамоқда. Меҳнат муносабатларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги соясида ҳам иш берувчи, ҳам ходим манфаатлари ётади.

Инсон ресурслари қиймати мамлакатда таълим, соғлиқни сақлаш, қайта тайёрлаш кабилар учун инвестициялар киритиш асосида катта даромад келтиради. Маълумки, билимли ва малакали кишилар, билимсиз ва малакасизларга қараганда яхши меҳнат даромадларига эга бўлишади. Шунингек, жисмонан ва руҳан соғлом кишилар носоғлом кишиларга қараганда анча самарали ва жамиятга фойдалироқ ҳисобланишади.

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ва юқори даражадаги иқтисодий рақобатбардошликка мамлакатнинг барча мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали эришилади. Мавжуд ресурслардан фойдаланишда камида битта ресурс тақчиллиги



иқтисодий ўсишнинг пасайишига, молиявий муаммоларнинг юзага чиқишига замин яратиб, ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлил**

Ресурсларни мавжудлик таснифи жиҳатдан икки турга бўлиш мумкин: қайта тикланувчан ва қайта тикланмайдиган. Жаҳон олимлари ҳар бир мамлакатдаги ушбу икки турдаги ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланиш мамлакат бойлигини ортишига, аҳоли фаровонлиги юксалишига олиб келишини таъкидлашади.

Хусусан, Г.ВанаГопа-Нявакан Миллер ва С.Спулмэнлар таъбири билан айтганда “инсон қарашлари нуқтаи назаридан, табиий ресурс – инсон хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларини қондириш учун атроф-муҳитдан олинган ҳар қандай нарсадир” [1]. Аслида инсон ресурслари ҳам инсон капиталидан фарқли ўлароқ, табиий ресурс ҳисобланади.

Қарийб ўн йил олдин Н.Хунко ўз илмий тадқиқотида “олимларнинг кўплаб ишлари молиявий, моддий ва номоддий ва ахборот ресурсларини самарали бошқаришга бағишланган, аммо инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоси етарлича ўрганилмаган” [2], деган хулосага келган эди. Сўнгги ўн йиллик ўзгаришлар ушбу хулосаларни бутунлай ўзгартириб юборди.

Аризона давлат университети бош маърузачиси Р.Креитнернинг фикрича, “инсон ресурсларини бошқариш умумий мақсадларга эришиш учун одамларнинг кўникмалари, истеъдодлари ва ижодкорлигидан фойдаланишга қаратилган ташкилот ҳаракатларининг йиғиндиси сифатида қаралади” [3]. Бу ерда тадқиқотчи инсон ресурсларидан фойдаланишда уни бошқариш орқали амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратган.

А.Инегбенебор ва А.Агбадудулар эса тадқиқотларида “бошқарувдаги шахслар, бўлимлардан фарқли ўлароқ, ходимларнинг ташкилий мақсадларга эришиш учун самарали ишлатилишини таъминлашга қаратилган тадбирларда қатнашашлари” [4]ни таъкидлашади.

Фикримизча, сўнгги йилларда ҳар қандай шахс мавқеи у яшаётган жамият тузилмасининг биргина элементи сифатида эмас, балки вақтлар ўтиб қайта тикланмайдиган ресурс бирлиги сифатида кўзга ташлана бошланди. Бунга рус иқтисодчи олимлари ўзлари тадқиқотларида алоҳида урғу беришган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Қ.Х. Абдурахмонов “инсон ресурслари ўзида инсон капиталига талаб ва унинг таклифи ҳамда бошқа иқтисодий кўрсаткичларга эгаллиги сабабли иқтисодий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади”, дея уни субъективлик жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда инсон ресурсларининг иқтисодий техник ресурсларининг бошқа турларидан (моддий, молиявий, ахборот ва ҳоказолар) фарқли жиҳатларини қуйидагилар билан изоҳлайди:


Биринчидан, “инсон интеллектга эга, демак унинг ташқи таъсирга (бошқарувга) муносабати механик тарзда эмас, балки онглидир. Бу эса бошқарув субъектлари ва объектларининг ҳамжиҳатлиги икки томонлама эканлигини англатади.

Иккинчидан, инсон ресурслари интеллектга эга бўлганлиги сабабли одамлар муттасил равишда ривожланиш ва такомिलाшишга қодирлар. Бу эса ҳар қандай алоҳида корхона ёки бутун жамиятнинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим ва узоқ муддатли манбаи ҳисобланади.

Учинчидан, инсон ўз олдига онгли равишда муайян мақсадларни қўйган ҳолда фаолиятнинг аниқ бир турини танлайди” [5].

Профессор Г.Қ. Абдурахмонова “инсон ресурслари - бу инсонлар ривожланишининг барча босқичларида жисмоний, интеллектуал, ижодий, психологик салоҳият, чуқур билимга эгалик, тажриба, кўникма, ният ва мақсадлар соҳиби бўлган одамлар гуруҳидир. Инсон ресурслари мамлакат аҳолиси таркибида меҳнат ресурсларининг юзага келиши ва шаклланиши жараёнида орттирилган ёки орттириладиган назарий ва амалий билимлари, касбий даражаси, малакаси, физиологик, психологик ҳолатининг хусусиятларини қамраб олиши” [6]ни таъкидлайди.

Меҳнат ресурслари таркибига меҳнатга лаёқати мавжудлиги шарти билан иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар ҳам, банд бўлмаганлар ҳам киради.



**1-расм. Ишчи кучидан тўлиқ фойдаланишнинг кенгайтирилган доираси [7].**

Ҳ.Абулқосимов ва М.Ашуровалар “меҳнат ресурслари сонининг доимий аҳоли ўсиш сурьатларига нисбатан устувор равишда ўсиши уларнинг миллий иқтисодиётдаги аҳоли бандлиги даражасига ҳам жиддий таъсир этиб, янги иш ўринларини яратиш ва уларни иқтисодиёт

тармоқлари ва соҳалари бўйича оқилона ва самарали банд этиш заруратини келтириб чиқаради” деб ҳисоблашади. Умуман олганда, ушбу зарурат меҳнат ресурслари сонининг доимий аҳоли ўсиш суръатлари билан бир хил бўлганда ҳам юзага келади.

Инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш тизимига мувофиқ, аҳолининг тўлиқ бандлиги даражаси ва тўлиқсиз бандлиги кўрсаткичларини аниқлаш, аввалом бор, иш билан банд аҳоли учун меҳнат бозоридаги мавжуд имкониятлар ва муносиб меҳнат шароитларига асосланиши мақсадга мувофиқ. Бироқ, меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг потенциал имкониятлари, ишга жойлашиш истаги, ишсизликдан ҳимояланиш имкониятларидан келиб чиқиб ҳисобланадиган “тўлиқ бандлик” тушунчаси мавжуд ва бу меҳнат бозоридаги долзарб масалага айланиб улгурди.

Тўлиқсиз бандлик бу иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланмасликни ўзида мужассам этади. Буни миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш имкониятлари даражаси пировард натижаси сифатида ҳам изоҳлаш мумкин.

Мамлакатда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш деганда иқтисодий ўсишга, ижтимоий фаровонликка ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш молиявий имкониятлар ва вақтдан самарали фойдаланиш назарда тутилади.

Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишда эса, ҳар бир меҳнатга лаёқатли аҳолининг билими, қобилияти ва кўникмаларидан тўлиқ фойдаланиш тушунилади. Бунда нафақат улардан фойдаланишдаги ютуқлар, балки иқтисодий ва молиявий йўқотишларни олдини олиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Мамлакат мавжуд инсон ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланилишини баҳолашда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатини инсон ресурслари билан боғлиқ ҳолда баҳолаш тизими ва услубиёти асосида амалга оширилади.


Хорижий давлатлардаги етакчи корхоналар охириги ўн йилликлар мобайнида “инсон ресурслари” ва уларнинг тижоратда муваффақиятга эришишдаги ролига нисбатан ўз муносабатини тубдан ўзгартирди. “Машинани яратишдан олдин, биз инсонларни яратамиз” иборалари ҳозирда ҳар бир самарали ишловчи корхонада асосий шиорга айланиб улгурди. Бундай корхоналар инсон ресурслари билан ишлаш усуллар ва воситаларининг узоқ вақт мобайнида амалиётда синаб кўрилган катта методик тўпламига эга” [9] бўлиб улгуришди.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада илмий абстракциялаш, эмперик, тасвирий статистик, гуруҳлаштириш, қиёслаш ва динамик таҳлил тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

### Таҳлил ва тадқиқот натижалари таҳлили


Инсон ресурсларидан самарали фойдланиш ўз навбатида мамлакатдан мавжуд бошқа ресурслардан ҳам самарали фойдаланишга имконият яратибгина қолмай, балки келгусида инсон капиталига ҳам натижадор сармоя киритилишига хизмат қилади. Бунда ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва иқтисодий механизмлар фаоллигини оширган ҳолда хусусий, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда халқаро тажрибаларни миллий манфаатлар асосида амалиётга қўллаш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳоли иш билан бандлиги ҳолати, фоизда [10].

Ўзбекистон Республикаси аҳоли иш билан бандлиги ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, 2000 йилда аҳолининг иш билан бандлик ҳолати 69,4% ни ташкил этиб, 2004 йилда сезиларли даражада пасайиш бўлганини яъни 67,5% га тушиб кетгани ва 6 йил давомида, яъни 2004 йилдан 2010 йилгача ўзгарисиз давом этиб 2012 йилда 66,2% кескин тушиши, ишсизликни ошириши 2017 йилга келиб бартараф этилди ва 69,2% аҳоли иш билан бандлиги белгиланди ва 2020 йилга келиб ишсизлик пик ҳолати қайд этлди, 66,0% ташкил этди. 2022 йилда бандлик ҳолати ўсишни бошлади ва 67,2% ни ташкил қилди.

Ҳар бир давлатда аҳолининг табиий ҳаракати ўрганиб борилади. Чунки аҳолининг табиий ҳаракати аҳоли такрор барпо бўлишида муҳим аҳамиятга эгадир. Туғилишнинг умумий коэффициенти Ўзбекистон Республикасида 2011 йил 22 промиллени, 2021 йилда эса 24,6 промиллени ташкил қилганини кўриш мумкин.



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида бандлик ҳолати [11].**

Тошкент шаҳрида бандлик ҳолати қай даражада ошганини ушбу диаграмма орқали кўришимиз мумкин. 2000 йилдан 2022 йилгача бўлган оралиғни кўриб таҳлил қиладиган бўлсак, 2000 йилда 78,7 % бўлиб, 2006 йилга келиб бандлик ҳолати 84,4% ошганини кўришимиз мумкин. 2008 йилда 80,2% га етиб 2012 йилда 80,7% га пасайиб, 2018 йилда 77,5% ни ташкил этиб ишсизлик даражасида ўзгариш сезиларли пасайишни таҳлил қилишимиз мумкин. 4 йил давомида ишсизлик бўйича кўплаб тарғиботлар амалга ошириш натижасида 2022 йилда 82,5% ни ташкил этиб бандлик ҳолати ўсишни бошланган.

Республикада бозор муносабатлари шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитлар ўзгариши аҳоли такрор барпо бўлишининг ҳудудий хусусиятларида бир қатор ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Бу ўзгаришлар қуйида-гиларда акс этмоқда; яъни туғилиш кескин камайди, мамлакатдаги славян халқлар, яҳудий, месхети турк, грек, украин, немис ва бошқа халқларнинг маълум қисми ўз тарихий юртлари ва бошқа хорижий давлатларга кўчиб кетди. Энг катта манфий миграция сальдоси 1990 йилда кузатилиб, 181,2 минг кишини ташкил этди. Мазкур демографик жараёнлар Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръатларини қисқаришига олиб келди.

1990-2005 йилларда мамлакат аҳолисининг ўсиш суръати пасайиб бораётган даврда баъзи вилоятларда бу жараён секинроқ кечди. Ўзбекистонда демографик вазиятнинг энг муҳим хусусиятлари аҳоли ўсиш суръатларининг пасайиб бориши; аҳоли табиий кўпайиш кўрсаткичининг камайиши; ташқи миграция натижаларининг манфийлашуви; шаҳар аҳолисининг суст ўсиши ва бошқалар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 16,4 фоизи Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади. Хоразм, Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳам бироз аҳолиси салмоғида ўсиш бўлди.

Ўзбекистон Республикаси жами аҳолисининг 50,5 % шаҳарларда, қолган қисми қишлоқларда яшайди. Сўнгги йилларда урбанизация даражаси пасайиб бориши ва қишлоқ аҳолиси ҳиссасининг ўсиши кузатилмоқда. Республика умумий аҳолиси кўпайиш суръати пасайиши ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарликларга нисбатан тезроқ ўсиш жараёни кузатилмоқда.

Айни пайтда шаҳар аҳолисининг кўпайиш суръати энг паст даражага тушиб қолган. 1991 йилда Ўзбекистонда янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди ва бу ўзгаришлар биринчи навбатда, унинг демографик вазиятига ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистонда 2021 йил маълумотига кўра, 17 та йирик шаҳар мавжуд. Кейинги пайтда урбанизация кўламига шаҳар аҳолисининг табиий ўсиш даражаси камайиб бориши ҳам таъсир этмоқда.

Иш билан банд аҳоли мамлакат меҳнат ресурслари салоҳиятининг энг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу ўринда замонавий бозорида рўй берадиган кўплаб омиллар, жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори даражаси, рақобатнинг доимий ўсиб бориши, ишлаб чиқарилаётган товарларга нисбатан бозордаги талабнинг кучайиши ва бошқаларда меҳнат ресурсларининг роли тобора ортиб бориш тенденциясига эга.

Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишдаги истиқболли имкониятлар асосан учта усулда кўриб чиқилади: микро даражада, мезо даражада ва макро даражада.

Микродаражада инсон ресурсларидан самарали фойдаланишдаги истиқболли имкониятлар ҳудудий корхоналар фойдалиги билан боғлиқ бўлади.

Ҳудудий корхоналарда фаолият юритаётган ходимлар меҳнат фаолияти билан ишлаб чиқариш жараёнининг барча моддий ва номоддий элементлари ҳаракатга келтирилади, пировард натижалар эса корхона учун даромад манбаини яратади. Шундай қилиб, ҳар қандай корхона фаолиятининг якуний натижаси кўпинча меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ бўлади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидагиларни улоса келтиришимиз мумкин:

- қўшимча қиймат яратиш. Кадрларсиз фаолият жараёнини амалга ошириш мумкин эмас. Айрим хомашёнинг тайёр маҳсулотга айланишига ёлланма ишчиларнинг жисмоний ва ақлий меҳнати сабаб бўлади. Ходимлар хизмат кўрсатиш жараёнида янада муҳимроқ рол ўйнайди, чунки уларни ишчиларнинг ўзидан ажратиб бўлмайди;
- ходимларнинг фаол роли. Компаниянинг ходимлари унинг маблағлари билан бир хил статик ресурслар эмас. Муайян



вазиятдан келиб чиқиб, улар иш таклифини рад этишлари, яхши иш шароитларини талаб қилишлари ва ҳатто ишдан бўшатишлари мумкин. Бундан ташқари, кўплаб омиллар маълум бир кунда ишчиларнинг унумдорлигига таъсир қилади;

- ҳар қандай ишлаб чиқариш субъектининг асосий ва айланма фондларини ишлатиш самарадорлиги даражаси ходимларнинг малакасига боғлиқ. Ҳар қандай корхонада инсон ресурслари қанчалик кўп тажриба ва билимга эга бўлса, уларнинг иши шунчалик яхши бўлади. Бошқа ҳеч қандай ресурс корхонанинг якуний натижасига бундай кучли таъсир кўрсатмайди. Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишда максимал натижаларга эришиш учун буларнинг барчасини ҳисобга олиш керак.

Мамлакатда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш меҳнат самарадорлигига ижобий таъсир этади. Меҳнат бозорида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш кадрлар сиёсатининг самарадорлиги ҳақида гапиришдан олдин, инсон ресурсларини ўзини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси / [URL:https://constitution.uz/uz](https://constitution.uz/uz)
2. Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни, Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган. [URL:https://lex.uz/docs/142859](https://lex.uz/docs/142859)
3. WanaGopa – Nyawakan Miller, G.T. & S. Spoolman (2011). Living in the Environment: Principles, Connections, and Solutions (17th ed.). Belmont, CA: Brooks-Cole. ISBN 978-0-538-73534-6. [1].
4. Nataliia Hunko, Factors Influencing the Formation of Human Resources, Economics & Sociology, Vol. 6, No 2, 2013, pp. 65-72. DOI: 10.14254/2071- 789X.2013/6-2/6 [2].
5. Kreitner, R. (2007) Principles of Management (11th Edition) Published by Nelson Educational Limited, Canada. p.115[3].
6. Inegbenebor, A.U and Agbadudu, A.B. (1995) Introduction to Business: A Functional Approach. Uri Publishing Ltd., 27 Sokponba Road, Benin City, Nigeria. [4].
7. Abdurakhmanov K. Labour Economics. Theory and practice. Scientific Publishing House IVG. 2020 by GB Global Business LTD in London, United Kingdom. 2020. 615p.
8. Абдурахмонов Қ.Х.. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Fan» нашриёти давлат корхонаси, 2019. 592б. 180-бет. [5].



9. Abdurakhmanov K. Ekonomi Ketenagakerjaan. Teori dan praktik: buku tesk:/ K.Kh.Abdurakhmanov. Penerbit Gunadarma. Jakarta, Republik Indonesia, 2020. 700.
10. Абдурахмонова Г.Қ. Инсон ресурсларни бошқариш. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Fan» нашриёти давлат корхонаси, 2021. – 696 б. 18-бет. [6].
11. Муаллифлик ишланмаси. [7].
12. Абулқосимов Ҳ.П., Ашурова М.Х. Меҳнат ресурслари ва улардан унумли фойдаланиш йўллари // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы, 2015, 11-сон, 52-57-бетлар. [8].
13. Абдурахмонов Қ.Х.. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Fan» нашриёти давлат корхонаси, 2019. 592б.
14. Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. -Т.: Фан ва технология, 2013. -26 - 288 б.
15. Кириллов Л. Как заставить сотрудников «гореть на работе» // Управление персоналом. – 2010. - №6. – С. 26-31. [9].
16. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>[10].
17. В.Н., Квачев В.Г., Колмаков И.Б. Неустойчивая занятость в Российской Федерации: теория и методология выявления, оценивание и вектор. – М.: Кнорус, 2019 г. – 342 с.
18. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>[10].
19. Былков В.Г. Рынок труда и развитие занятости населения + Е-Приложение. (Бакалавриат). Учебник. –М.: “Кнорус”, 2019 г. – 290 с.
  - a. <http://www.mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий сайти.
  - b. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Статистика агентлигининг расмий сайти.
  - c. <http://moqqv.uz/uz> – Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш қўмитасининг расмий сайти.

# Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13

Tashkent, Uzbekistan

ilmiymaktab@gmail.com

www.laboreconomics.uz